

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ СИФАТИДА

Абдуғаниев Олимжон Исомиддинович
Фарғона давлат университети география
кафедраси доценти, г.ф.н.
Нишонов Бахромжон

Аннотация: *Мазкур мақола экологик тарбияни такомиллаштириш масалаларига бағишланган бўлиб, таълим олувчиларнинг қизиқишлари ва ёшига мос ҳолда экологик билимларни ва бу борадаги тасавурларини ошириш, дунёқарашларини кенгайтириш масаллари тахлили қилинган.*

Калит сўзлар: *Экологик тарбия, экологик онг, экологик маданият, ўйин технологияси, интерфаол методлар, атроф-муҳит, экологик муаммолар, ривожлантирувчи тарбия.*

Бутун дунё миқёсида «Катта тезлашув» атамасини олган сайёравий ўзгаришлар, кишилиқ жамиятига жуда кўплаб имконият ва афзалликлар эшигини очиб бериш билан бирга, табиат ва ундаги биологик ва ландшафт хилма-хиллигини хавотирли даражадаги тезликда йўқ бўлиб кетишига ҳам сабаб бўлмоқда. БМТ томонидан бир қатор конвенциялар, стратегик режа ва келишувлар қабул қилинганига қарамай, бу борада муваффақиятсизликлар кузатилмоқда. Шу боис, экологик нуқтаи назардан табиатга, жамиятга юксак инсоний, ахлоқий мезонлар асосида муносабатда бўлиш, экологик ахлоқий масъулиятни шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан жамиятнинг барча соҳаларини ривожлантириш экологиялаштиришсиз мумкин эмаслиги барча соҳа мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда. Чунки, жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминланганлик кўрсаткичи экологик муаммоларни ҳал этилганлик даражаси билан белгиланмоқда. Бу борадаги долзарб масалалардан бири–экологик таълим ва тарбияни такомиллаштириш билан муаммоларнинг ечимига боғлиқ бўлиб қолмоқда [3, 4, 6].

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегиясида ҳам “атроф-табиий муҳит, аҳоли соғлиғи ва генофондига путур етказувчи экологик муаммоларни бартараф этиш”, бунинг учун эса, экологик фаолият ва экологик таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш воситасида экологик фаолият этикасини ривожлантириш, табиатни асраб-авайлаш, унга оқилона муносабатда бўлиш, экологик ахлоқий масъулиятни шакллантириш ва бу орқали экологик ҳалокатнинг олдини олишга қаратилган дунёқарашни шакллантириш каби устувор вазифалар белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича 2022 йилдаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишида “Аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида

жиддий бош қотиришимиз зарур” дея таъкидлаб ўтган. Демак, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожлантириш масалаларини таълим тизимининг тегишли босқичларига мос ҳолда жорий этиш, экологик муаммолар ва табиатдан оқилона фойдаланиш заруратини янада чуқур англаб етишга ёрдам берувчи янги ўқув режалари (дастурлари)ни жорий этиш ва мавжудларини такомиллаштириш ҳамда экология соҳасида мутахассислар тайёрлаш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Шунинг учун, экологик тарбияни мактабгача таълим тизимидан бошлаб такомиллаштириб бориш зурурдир. Мактабгача бўлган ёш даври инсон ҳаётида табиат, атроф – муҳит билан муносабатларни англашда, дунёқарашни шаклланишида, экологик тарбиянинг ривожланишида жуда муҳим ёш категорияси ҳисобланади. Ушбу даврда шахсиятнинг асослари, шу жумладан табиатга булган ижобий муносабат, шахснинг ахлоқий, экологик тарбияси асослари ривожланади. Шу билан биргаликда болаларда ҳиссий муносабатлар, табиат ва жонзотларга нисбатан ҳамдардлик, ўсимлик ва ҳайвонларни севиш тушунчалари ҳам ривожланади.

«Таълим тўғрисида»ги ва «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимида экологик таълимни ривожлантиришнинг асосий тамойилларини белгилаш, уларни таълим-тарбия жараёнига изчиллик билан босқичма-босқич татбиқ қилиш ва шу асосда экологик таълимнинг самарадорлигини янги босқичга кўтариш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу боис, умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш параметрларидан келиб чиққан ҳолда қайтадан таҳлил қилиш ва қўшимча индикаторлар белгилаш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги «Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 434-сонли Қарорида умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари мазмуни қуйидаги малакалар билан бойитилиши белгилаб қўйилган:

–ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантиришга хизмат қилувчи билим, кўникма ва малакаларни таълим мазмунига кенг сингдириш;

–ўқув фанлари доирасидаги экологик билимларни амалиётга жорий этиш, уларни амалиётда қўллай олиш имконини берувчи амалий топшириқлар билан бойитиш (назария ёки муҳокамадан амалиётга ўтиш);

–математика, иқтисодий билим асослари фанлари мазмунини тежамкорликка оид аниқ иқтисодий-экологик масалалар билан бойитиш;

–ўқувчини ўзини ўзи ва ўзгалар фаолияти натижаларини олдиндан кўра олиш ва баҳолашга ўргатиш мақсадида география, математика, биология, иқтисодий билим асослари фанлари мазмунига экологик баҳолашга оид билим, кўникма ва малакаларни ўқувчиларнинг ёшига мос тарзда қўйи синфлардан бошлаб киритиб бориш.

Умумий ўрта таълим тизимида экологик билимлар ўқувчиларнинг ёши, жисмоний имкониятлари ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда синфлар даражасида фарқланиши асосида ташкил этилади. Бунда билим бериш «оддийдан мураккабга», «узвийлик ва узлуксизлик» каби педагогик тамойилларга таянган ҳолда назарий ва амалий билимлар уйғунлигига, ўқувчиларда экологик маданият ҳамда тарбиянинг босқичма-босқич шаклланишини таъминлайдиган мақсадли тизимга айлантириш кўзда тутилган [5, 7].

Умумий ўрта таълим тизимида экологиянинг назарий асосларига оид билимлар ва экологик маданиятни шакллантиришга қаратилган билим, кўникма ва малакалар мавжуд ўқув фанлари мазмунида узвийлик асосида берилади ва бир бутун комплекс тарзда ифодаланади. Шу боис, умумий ўрта таълим тизимини тамомлаган шахс минимал даражада экологик тушунчалар, хулқ-атвор қоидалари (экологик маданият) тўғрисида билимга эга бўлиши талаб этилади, экологик билимлар фанлар мазмунига мажбурловчи чора сифатида эмас, фан мазмунидан келиб чиққан ҳолда сингдирилади. Умумий ўрта таълим тизимида экологик таълим қуйидаги босқичларда олиб борилиши мақсадга мвофиқдир: бошланғич таълим (I — IV синфлар); умумий ўрта таълим (V — XI синфлар).

Бошланғич таълимда экологик таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга эътибор қаратилади. Бошланғич синфларда ўқувчилар ўқув фанлари доирасида қўшимча равишда: сувни тежаш ва асраш; атмосфера ҳавосининг аҳамияти ва уни муҳофаза қилиш; ер ресурслари ва ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш; ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш; чиқиндиларни йиғиш ва жойлаштириш; Ўзбекистоннинг гўзал ва такрорланмас табиатини асраш; ўзи яшайдиган қишлоқ (шаҳар) табиатини асрашда фаол иштирок этиш; Ўзбекистондаги қўриқхоналар ва табиат боғлари тўғрисида; Орол денгизи фожиаси тўғрисида умумий билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим. Умумий ўрта таълим ўқув фанлари таркибига қўшимча равишда:

а) муסיқага оид фанларга она табиат ўқувчининг ота-онасидек азизлиги мавзусидаги қўшиқларни ёддан билиш ҳамда куйлай олиш;

б) тасвирий санъатга оид фанларга: табиат манзараларини кузатиш ва тасвирлай олиш; Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобидан энг ноёб ва камёб бўлган ўсимлик ва ҳайвонот турларини ўзи танлаб чиза олиши; табиатга зарар етказишнинг, шу жумладан, чиқиндилар белгиланмаган жойларга ташланишнинг салбий оқибатларини тушуна олиш; инсон ва табиат ўртасидаги меҳр-муҳаббатни кучайтириш; глобал экологик муаммоларга оид манзараларни тасвирлай билиши керак.

Умумий ўрта таълим учун мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмалари тегишли мавзуларга экологик маданиятга оид билимларни чуқур сингдириш орқали ўқувчиларни янада қизиқтириш имконига эга бўламиз. Мактаб ўқитувчилари ўқувчилар ёшига мос равишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ичимлик сув ва бошқа

табий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби долзарб муаммолар юзасидан ўқув-кўргазмали материаллар, видеороликлар ва дидактик материаллар ишлаб чиқишлари талаб этилади. Умумтаълим мактабларида ўқитилаётган фан дастурлари мазмунига мос равишда қуйидаги экологик таълим мавзулари киритилиши белигилаб қўйилган: I синфдан XI синфгача ўқитиладиган фанлар мазмунига «Уй ҳайвонлари ва паррандалари», «Ёввойи ҳайвонлар», «Қўриқхоналар, ҳудудларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси», «Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби, «Зараркунандаларга қарши курашиш ва уларни йўқотиш», «Соғлом турмуш тарзи меъёрларига риоя қилиш», «Экология ва ҳаёт», «Атмосфера ҳавоси ва сувларни муҳофаза қилиш», «Табиат ва унинг бойликларини асраш», «Биологик хилма-хилликни сақлаш ва уни кўпайтириш», «Атроф муҳит чиқиндилар билан ифлосланишининг олдини олиш» каби мавзулар муҳим аҳамиятга эга.

Умумий ўрта таълим муассасаларида ташкил этиладиган экология тўғараклари ўқув дастурларига янги, самарали ва таъсирчан машғулот ва тадбирлар киритилади. Машғулотлар тўғарак қатнашчиларининг ёши, жисмоний имкониятлари ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда жорий этилади. Тўғараклар фаолияти кенгайтириб борилади ҳамда уларга тажрибали педагог ва мураббийлар жалб қилинади [8, 9].

Экологик тарғиботни кенг йўлга қўйиш механизмини такомиллаштириш ва рағбатлантириш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларида турли хил кўрик-танловлар ташкил қилинади. Умумий ўрта таълим тизимида республика миқёсида босқичма-босқич ўтказиладиган «Энг яхши экологик тоза мактаб», «Энг яхши эколог ўқувчи» каби кўрик танловларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Кўрик танловларни ташкил қилиш ва ўтказишда умумий ўрта таълим муассасаси жамоасининг экологик ҳуқуқ ва мажбуриятлари, муассасада ўтказиладиган экологик тадбирлар сони, уни ўтказиш вақти ва тартибини белгилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 754-XII-сонли Қонун. 1992 йил 9 декабрь. <https://lex.uz/docs/1071151>.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги «Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 434-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/4354743>.
3. Abduganiev O. I., Abdurakhmanov G. Z. Ecological education for the purposes sustainable development //Am. J. Soc. Sci. Educ. Innov. – 2020. – Т. 2. – С. 280-284.
4. Abdugʻaniyev O. I., Turdiboeva S. X. Q., Abdullayeva H. R. Q. BARQAROR TARAQQIYOT VA ETNOEKOLOGIIYA //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 94-101.

5. Абдуганиев О. И. и др. ЭКОЛОГИК СЎҚМОҚЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИХАТЛАРИ //Scientific Impulse. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 868-873.
6. Yli-Panula E. et al. Finnish University Students' views on climate change education and their own ability to act as climate educators //Education Sciences. – 2022. – Т. 12. – №. 3. – С. 169.
7. Demir F. B. et al. An Action Research on Improving Environmental Sensitivity of Fourth Grade Primary School Students: What Happens in the School Garden? //International Journal of Education and Literacy Studies. – 2023. – Т. 11. – №. 2. – С. 54-63.
8. Jeronen E. Sustainable education //Encyclopedia of Sustainable Management. – Cham: Springer International Publishing, 2022. – С. 1-10.
9. González-Zamar M. D. et al. Managing ICT for sustainable education: Research analysis in the context of higher education //Sustainability. – 2020. – Т. 12. – №. 19. – С. 8254. Alimov, S. S., & Yusupova, O. M. (2022).
10. LINGUOCULTURAL FEATURES OF BORROWINGS FROM ENGLISH TO UZBEK LANGUAGE. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(1), 1-4.
11. Mamadjanova, M. U. (2022). O 'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDA EPITETNING CHOG 'ISHTIRMA TADQIQI. ANTONAMAZIYA EPITETLAR. *RESEARCH AND EDUCATION*, 1(5), 110-115.